

Жанозада тупроққа суфлаш борми?



17:50 / 18.12.2018 10422

Ассалому алайкум!

- 1. Жанозада маййит қабрга қўйилганида «Мулк» (Таборак) сурасини ўқиш қайси ҳадисларга асосланган?*
- 2. Жанозада тупроққа суфлаш борми? Далил. (Ўзбекистонда кенг тарқалган.)*

Жавоб: Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

1. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган бир ҳадиси шарифда айтилишича, сафарга чиққан бир одам билмасдан қабр устига қапа тикиб олади. Кейин қабр ичидаги кишининг Таборак сурасини охиригача қироат қилганини эшитади. Бу ҳақда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилинганда, у зот:

«У (Таборақ сураси) ман қилувчидир. У нажот берувчидир. Унга қабр азобидан нажот беради», деганлар».

Термизий ривоят қилган.

Ўликнинг қабр ичида туриб Қуръон қироат қилгани собит бўлганидан кейин, тирикларнинг қабр устида туриб қироат қилишларини нима учун ман қилиш керак?!

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ аза ва жалланинг китобида бир сура бор, унинг оятлари ўттизта холос, кишига (қиймат куни) шафоат қилади. Уни дўзахдан чиқариб, жаннатга киритади. У Таборақ сурасидир».

Абд ибн Ҳумайд «Муснад»ида ривоят қилган.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Киши қабрига олиб келинади. Шунда (азоб фаришталари унинг) оёқлари тарафдан келишади, оёқлари: «Бунинг олдида сизлар учун йўл йўқ, (чунки у) биз билан тунда туриб (намозларида) Мулк сурасини ўқирди», дейди. Кейин (азоб фаришталари унинг) кўкси ёки қорни тарафдан келишади. Шунда (кўкси ёки қорни): «Бунинг олдида сизлар учун йўл йўқ, (чунки у) мен билан Мулк сурасини ўқирди», дейди. Кейин (азоб фаришталари унинг) боши тарафдан келишади. Шунда (боши): «Бунинг олдида сизлар учун йўл йўқ, (чунки у) мен билан Мулк сурасини ўқирди», дейди.

У («Таборақ» сураси) ман қилувчидир. (Уни) қабр азобидан тўсади. У Тавротда (ҳам нозил бўлган). Ким тунда Таборақ сурасини ўқиса, (савобини) кўпайтирибди, яхши қилибди».

Ҳоким «Мустадрок»ида ривоят қилган.

Шунинг учун бизда дафндан кейин «Таборақ» сурасини қироат қилиш одат тусига кирган.

2. Дафнда ҳозир бўлган киши қабрнинг бош томонида туриб, унга уч сиқим тупроқ ташлаши мустаҳабдир. Пайғамбаримиз шундай қилганлари ривоят қилинган.

Лекин ўша тупроққа пуфлаш маъносига далил йўқ. *Валлоҳу аълам.*

“Зикр аҳлидан сўранг” китобидан